



# MILLIY TIKLANISH

43 (260) ● 2013 йил 6 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Маънавий ўқув соатларида партия Дастури ва сайловолди Платформаси, миллий тикланиш гоёси ҳамда мафкурасини кенг тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилмоқда

**4** ЎзМТДП: ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ



Наманган юридик коллежида 2582 нафар йигит-қиз ҳуқуқшунослик, ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқшуноси, хўжалик масалалари йўналишларида таҳсил олмоқда

**6** ЖАРАЁН



Марғилон шаҳар тарихи музейида 6 мингдан зиёд экспонат бор. Бу ерга 2012 йилда 9 минг 200 нафардан зиёд томошабин ташир буюрган

**8** КЎЗГУ

## Хабарлар

### Мактабларда семинар-тақдимотлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, энг яхши педагогик тажрибани омалаштириш мақсадида пойтахтимиздаги барча мактабларда семинар-тақдимотлар ўтказилаётир.

Тадбирларда мазкур таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, фаолият кўрсатаётган услубий бирлашмалар, педагоглар жамоаси ва ўқувчиларнинг ютуқлари намойиш этилмоқда. Тошкент шаҳридаги қатор мактабларда ўтказилган тақдимотларда ўқув-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

### Ёшлар фестивали

Жиззах шаҳрида "Шу азиз Ватан барчамизники!" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда фаол ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Исом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг ижодий-интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг ҳақиқий таянчига айланмоқда. Вилоятдаги йигит-қизларнинг 60 фоиздан ортиги ҳаракат аъзолари ҳисобланади. Фестивалда турли номинациялар бўйича ўтказилган танлов ғолиблари аниқланди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

### Наргизахон — танлов ғолиби

Андижонда "Йил аёли — 2013" Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 17 нафар фаол ва ташаббускор хотин-қиз ўз маҳоратини намойиш этди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини, билим ва салоҳиятини янада ошириш, уларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. "Аёллар кенгаши" Республика жамоат бирлашмаси ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Йил аёли" танлови ҳам ана шу мақсадларга қаратилган. Тадбирда иштирокчилар томонидан тайёрланган кўргазмалар, видеороликлар, белгиланган шартлар бўйича ўзига хос чиқишлар барчага манзур бўлди. Кўрик натижаларига кўра, Асака тиббиёт коллежи директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Наргизахон Сатторова ғолиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.



(ЎзА) оқоғи суғит.

*Партия халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтириладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзага келишига ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган товарларни жаҳон бозорига олиб кириш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар кўрилишига кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади.*

ЎзМТДП сайловолди Платформасидан

## Жараён

# Салоҳиятли кадрлар тайёрлаш

партия фаолиятини янада кучайтиришнинг асосий мезони

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда замонавий, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланган "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" муҳим аҳамиятга молик ҳужжат бўлди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури раҳбарлигининг ўзига хос ўзбек модели сифатида вужудга келди.*

Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ислохотларда, умуман барча соҳалардаги янгиланишларда, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан ҳисобланган сиёсий партияларнинг роли ошиб бормоқда. Партиялар олдидаги вазифаларнинг қай даражада ижро этилиши уларнинг кадрлари салоҳиятига, тўғри танлаш ҳамда малакасини ошириб бориш масаласига

бевосита боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси томонидан ҳар йили анъанавий равишда партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, аҳоли билан ишлаш борасида янги, замонавий усуллардан фойдаланиш, партия тарафдорлари сонини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Мазкур семинарлар доирасида ташкил этилган "ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлашнинг замонавий услублари", "Бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги ва масъулиятини янада кучайтириш масалалари", "ЎзМТДП имиджини юксалтириш омиллари ва унда партия фаолларининг роли", "Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли", "Партия гоёси ва мафкурасини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш" каби мавзулардаги маърузалар, махсус ўқув-тренинглар, интерактив машғулотлар партия ҳудудий ташкилотлари ва куйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш борасидаги ишларни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2-бет

## Ташаббус ва натижа

# Маҳалла — миллий анъаналар ифодаси

халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилди

Мустақиллик йилларида маҳалла институтини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий кўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугун республикаимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Хабарингиз бор, жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини намунали ташкил этиш, бу жараёнда аҳолининг фаоллигини таъминлашда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларидан фаоллик ва яқдиллик талаб этилади. Бу борада барча вилоятларда бўлгани каби Андижонда ҳам муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқ де-

путатлари Андижон вилоят Кенгашининг йигирма еттинчи сессиясида муҳажима қилиниб, қарор қабул қилинган масала ҳам бевоқоф кадрлар бешиги саналган маҳалла институтини, маҳалла оқсоқоллари ва унинг маслаҳатчилари сайловига қаратилди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан сессия кун тартибига олиб чиқилган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини намунали ташкил этиш, бу жараёнда аҳолининг фаоллигини таъминлаш, уларни янада ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган, - дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоси Тўлқун Каримов.

2-бет

## Диққат, обуна!

«Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.


Индекс: 158



2-бет

# "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





## Миллий хунармандчилик — қадриятларимиз кўзгуси

худудий Кенгашларда ўтказилган тадбирлар оилавий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилмоқда

### АНДИЖОН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Пахтабод туман Кенгаши томонидан "Оилавий хунармандчилик — турмуш ободлигининг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Андижон вилоят, туман Кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, хунармандлар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва оилавий хунармандлар иштирок этди.

Тадбирда миллий хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, касаначилик билан шуғулланувчи ёшларни қўллаб-қувватлаш, ёш хунармандларнинг соҳа сирларини ўрганиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, "устоз-шоғирд" аъёнларини янада юксалтириш, бозорни сифатли миллий маҳсулотлар билан бойитишни рағбатлантириш, тижорат банклари томонидан хунармандларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилишига қўмаклашиш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билдирилди.

— Хунармандчилик азал-азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятлардан саналади, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари А.Абаев. — Истиклол йилларида ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаятган мазкур соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЎзМТДП сайловолди Платформасида халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шоғирд" аънавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда соҳани янада ривожлантириш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча рағбатлантириш асосида хориждан келтирилатган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу тадбир оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, ёшларни ушбу соҳага кенг жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш сингари партиявий мақсад-вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган билан аҳамиятлидир.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш мақсадида қадриятларимиз давомчиларига яратиб берилаётган шароитлар, хусусан, тижорат банклари томонидан уларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

### ЖИЗЗАХ

Миллий хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш ҳамда ушбу соҳаларга аёллар ва ёшларни кенгроқ жалб этиш масаласига ЎзМТДП томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Партия Бахмал туман Кенгаши ташаббуси билан "Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларнинг фаол иштироки" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши ходимлари, худуддаги оилавий тадбиркорлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Қадим-қадимдан хунарли аёл элда эъзоз топган, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари А.Абдурахимов. — Миллий қадриятларимизни ўзида намоён этувчи хунармандчилик йўналишларидан бўлмиш зардушлик, гилам тўқиш, каштачиликнинг ўз гузаллиги, нафислиги ҳамда аслиятини сақлаган ҳолда бугунги кунга қадар етиб келишида чевар онахонлар моголаримизнинг ўрни бекиб. Хозирда партия томонидан хотин-қизларнинг миллий хунармандчиликка асосланган ўз оилавий бизнесларини йўлга қўйиб олишлари учун тижорат банкларидан кредит маблағларини ажратишга қўмаклашилаётгани соҳанинг янада тараққи этишига хизмат қилмоқда.

Тадбирда хотин-қизларни оилавий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар эътироф этилиб, келгусида қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

### ҚАШҚАДАРЁ

— Бугунги кунда тинчлик ва хавфсизлик, айниқса, одам савдосига қарши курашиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, - деди ЎзМТДП Деҳқонobod туман Кенгаши томонидан "Юртимиз хавфсизлиги — сиёсатимизнинг бош йўналиши" мавзусида ўтказилган тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Нуриллаев. — Бу борада мамлакатимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. ЎзМТДП Ҳаракат дастурида жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида тўсиққа айланган ва миллий манфаатларимизга зид бўлган иллатларга, турли таҳдид ва хатарларга қарши муросасиз кураш олиб бориш, шунингдек, ушбу соҳалардаги қонунчилик ва ҳуқуқни татбиқ этиш амалиётини мунтазам равишда такомиллаштириб боришга қаратилган изчил йўлни қўллаб-қувватлаш алоҳида белгилаб қўйилган. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб кенг жамоатчилик ва ёшлар орасида ушбу муаммонинг юзага келиш сабаблари, унинг оқибатлари юзасидан тарғибот тадбирларини мунтазам равишда ўтказишга эътибор қаратиб келаямиз.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мазкур муаммонинг олдини олиш, одам савдоси қурбонларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги қонунчилик ва ҳуқуқий базани мустаҳкамлади.

Тадбирда партия туман Кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ходимлари, ўқитувчи-мураббийлар, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### НАВОЙЙ

ЎзМТДП Нурота туман Кенгаши томонидан "Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни асрашда ёшларнинг ўрнини мустаҳкамлаш" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши ходимлари, "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти", бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Бугунги глобаллашув асрида ахборот хуружлари қарши ёшлар онгига кучли иммунитетни шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қилиб тарбиялаш долзарб вазифалардан саналади, - деди тадбирда "Хушёрлик ва серғаклик — давр талаби" мавзусида маъруза қилган партия Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси Т.Ражабов. — Ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлардан, турли иллатларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш партия сайловолди Платформасининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бу борада ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган лойиҳалар, кўрик-танловлар ва семинарлар ёшларнинг иқтидор ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариш билан бирга, уларни Ватанимиз тинчлигини сақлаш, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик фаолиятига сафарбар этмоқда.

Тадбирда сўз олганлар бугунги глобаллашув жараёнларидан фойдаланиб турли йўللار билан ёшларнинг онгига таъсир кўрсатишга уринаётган кучларга қарши иммунитетни кучайтириш лозимлигини, бу борада партия томонидан ўтказилаётган тадбирлар муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Шахзод ҒАФФОРОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

### Тарғибот

## Демократлашув жараёнида ЎзМТДПнинг ўрни

борасида маслақдошларимизга кенг тушунчалар берилмоқда



гани, фуқароларнинг сиёсий жараёнларга бўлган эътибори ҳам кучаяётганини алоҳида эътироф этди.

— Жамиятимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилиб келаятган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси юртимизни миллий-маънавий юксалтиришга қаратилган позициясини турли лойиҳа ва амалий саъй-ҳаракатлар кўмагида ҳаётга татбиқ этиб келмоқда, - деди тадбирда сўзга чиққан партия Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари Даврон Сафаров. — Шунингдек, депутатлик бирлашмаларининг ташаббускорлиги билан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси саъй-ҳаракати билан бир қатор қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб, янги қонунчилик ташаббуслари ишлаб чиқилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари томонидан эса жойлардаги айрим муаммо ва масалалар сессиялар кун тартибига олиб чиқилиб, ижобий ҳал қилинишига эришилмоқда.

Биргина халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини таъминлаш масаласи халқ депутат-

лари шаҳар кенгаши сессиясига олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Бу эса, ўз навбатида, худудда мазкур қонуннинг янада жадал суратда ижро этилишига туртки бўлади.

Партия ташкилотларида эса ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда турли тадбир, давра суҳбати, кўрик-танловлар, амалий семинарлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, партия "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилаётган тадбирлар бевосита хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ҳамда ролини оширишга қаратилган дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросига хизмат қилаётди. Шу билан бирга уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва дунёқарашларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашда тарғибот-ташвиқот тадбирлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан амалга оширилаётган аҳоли фаровонлиги ва юрт тараққиётига қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳуқуқий демократик давлат куриш жараёнида партия-мизнинг ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган сиёсий куч сифатида иштирок этишида муҳим аҳамият касб этади, - деди пиروвардида нотик.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизнинг маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларида ўзининг мустаҳкам ўрни ва

мавқеига эга бўлиб бормоқда. Бу борадаги ютуқ ва натижаларни янги босқичга кўтаришда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатларидан янада фаоллик ҳамда ташаббускорлик талаб этилади.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, мустақиллик йилларида қайта тикланган бой тарихий меросимизни, миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимизни асраб-

### Зафар ФАЙЗУЛЛАЕВ, ЎзМТДП Юнусобод туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари:

— Бугунги кунда мамлакатимизда партияларнинг ўрни ва роли кучайиб бораётган бир пайтда ЎзМТДП сафини ҳар томонлама фаол, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан етуқ, ташаббускор ҳамда ватанпарвар фуқаролар ҳисобига кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, юқори ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловлар партияимизнинг ҳар бир вакилидан янада фаоллиқни талаб этади. Бугунги тадбир баҳонасида "Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси ходимлари ҳисобига партия аъзолари сафини кенгайтиришга эришидик. Келгусида мазкур корхона қошида бошланғич партия ташкилотини тузиб, маслақдошларимиз сонини янада кўпайтиришни режалаштириб олдик.

### Дониёр Йўлдошев, тадбир иштирокчиси:

— ЎзМТДП томонидан ташкил этилган бугунги тадбирда иштирок этиб, сиёсий партиялар тўғрисида атрофлича ахборот ва маълумотга эга бўлдим. Айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнларини партия вакиллари жуда содда ва тушунарли қилиб таърифлаб беришди. Бу жараёнда ЎзМТДП фракциясининг қонунчилик ташаббуслари ва фаоллиги, шу билан бирга партиянинг умумий нуктаи назари, мақсад-вазифалари унга бўлган қизиқишимни оширди. ЎзМТДПнинг фаолияти ва амалий ишларидан янада кенгроқ ва доимий хабардор бўлиб бориш, энг асосийси, мазкур сиёсий куч таркибиде ўзимнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларимни намойиш қилиб, янада бойитиб бориш мақсадида партияга аъзо бўлдим.

Мухтарам КОМИЛОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

### Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

## Партия мавқеини янада ошириш

асосий мақсадимиз

Ўзликни англаш, миллий гоани шакллантириш ва миллий мустақиллик мафқурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий аънаваларини тиклашга қўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади. Мазкур мақсад-вазифаларни амалга оширишда партиянинг қуйи бўғинлари фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис жойларда бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган қатор тадбир, давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

— Бошланғич партия ташкилотимизда барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган, - дейди партия Ширин туман Кенгаши таркибидеги бошланғич партия ташкилоти етакчиси Анвар Игамбердиев. — Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, сафимизни сиёсий етуқ, билимни кадрлар билан кенгайтириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Партия сайловолди Платформасида белгиланганидек, ЎзМТДП зиёлилар, маориф ва маданият хо-

димлари, Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қиладиغان, партиянинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиради. Шу маънода қуйи бўғинимиз фаолиятини янада ривожлантириш фаолларимиз ҳуқуқий, маънавий, иқтисодий, сиёсий билим даражасини оширишда муҳим ўрин тутди. Утган даврда қуйи бўғин томонидан партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ва электротат ман-

фаатларини таъминлаш мақсадида "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни", "Мустаҳкам оила жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучидир", "Қонунлар — таянчимиз", "Депутатлик гуруҳи фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари", "Бошланғич партия ташкилотларининг фаолият самардорлигини таъминлаш" каби мавзуларда қатор тадбир, давра суҳбати ҳамда ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Айтиш жоизки, партия электротат манфаатларини таъминлашда маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Шу нуктаи назардан бошланғич партия ташкилоти депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликни кучайтириб, муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга қўмаклашиш мақсадида уларни миллий хунармандчиликка кенг жалб этиш, худудда мил-

лий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш, "устоз-шоғирд" аънавасини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қуйи бўғин "Обод турмуш йили" давлат Дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ҳам фаоллик кўрсатишга интилаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, ёш оилаларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва аънаваларнинг ўрни», «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш барқарор тараққиётимизнинг таянчи», «Йигитлар — бўлажак оила устунлари» каби мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар ўз самарасини бериши шубҳасиз.

— Партия сайловолди Платформасида кексаларга, болаларга саховат кўрсатиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, оилаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш устувор

Тўмарис АЪЗАМ,  
"Milliy tiklanish" мухбири



# ҚИЗ УЗАТИБ ҲАМ ТИНЧИМАДИМ...

тўйдан кейинги “томоша”лар ҳаммасидан ўтиб тушаяпти

**Оила ҳалқимизда азалдан муқаддас даргоҳ сифатида қадрланган келинлик. Ёш оилаларнинг тотувлиги, тинч-осойишталиги, уларнинг мустаҳкам кўрғонга айланишида катталарнинг, қайнона-қайнота ҳамда маҳалла-қўйнинг ўрни беқийсдир. Умуман, оилада ҳар бир инсон ўз ўрни ва мавқеини англаб ҳаракат қилса, бу оилада тинчлик ва хотир-жамлик ҳукм суради. Зеро, оила саодати, тинчи — Ватан ва халқ равақи ҳамда тинчлигининг негизидир.**

ана шундай масъулиятсиз, келиннинг сарпо-суруғидан, ота-онасидан умидвор бўладиган кимсалар учраб туради. Аслида бировнинг оғир тошини кўзгаб, катта орзу-умидлар билан хонадонига олиб келдим, унинг соғлигида ҳам, касаллигида ҳам бирдек муносабатда бўлиши, ота-онасига ортиқча оғирлигини солмаслиги керак эмасми? Халқимиз азалдан “чиққан қиз чигириқдан нари”, “қиз бола бировнинг хасми”, “қиз бола бировнинг хасми”, “қиз бола палахмон тоши”, деган пурҳикмат нақллари бекорга айтишмаган, борган жойида тошдай қотсин, деб беҳизга дуо қилишмаган. Қизнинг ота-она чигириқдан нари бўлиши учун, борган жойида тошдай қотиши учун эса уни қабул қилган хонадон соҳиблари — эр, қайнона-қайнота келинни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак. “Қиз олган олгунча таъзимда, қиз берган ўлгунча таъзимда”, деган нақл-наси ва ота-онасига турли-туман таллаблар қўйилверса, оилавий муносабатларнинг бардавомлиги ва ёш оиланинг мустаҳкамлиги учун ким масъул бўлади?!

Маълумки, оила ҳар бир инсон учун муқаддас даргоҳ саналади. Айниқса, ўзбек халқи оилага энг олий неъмат ва энг улуғ маскан сифатида қарайди. Унинг мустаҳкамлигини сақлаш, асраб-авайлаш ҳар бир оила аъзосининг муқаддас бурчи ҳамда вазифаси ҳисобланади. Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатимизда оила институтини ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бош Қомусимизда оила ҳақ-ҳуқуқларига алоҳида боб ажратилиб, оиланинг жамият негизи сифатида давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси”, “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, “Кам таъ-

ни таъминлаш каби тадбирлар, шу билан бирга “Оила” илмий-амалий маркази фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари белгилаб берилди. Давлатимиз томонидан оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ана шундай эътибор қаратилаётган бир пайтда маънавий дунёси қашшоқ бўлган айрим кишиларнинг хатти-ҳаракатлари тўқилма шўхлик эмасми?! Инсон тақдири, ҳаёти олдида бир чақалик қиймати бўлмаган мол-дунё талашиш, дунёга келаётган ёш оиланинг бахти-камолидан кўра келиннинг сарпо-суруғию қуданинг “имконият”лари билан қизиқиш инсонийликнинг қайси меъёрига тўғри келади?

**Дилором МУРОДОВА,**  
**Республика “Оила”**  
**илмий-амалий маркази**  
**илмий ходими:**

— Оила интизоми деган бир тушунча борки, бу ҳақда Фитрат ўзининг “Оила ва оила бошқариш тартиблари” асариде кўйилганларни ёзган: “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Каерда оила муносабати қучли интизомига таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади”. Дарҳақиқат, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда ҳар бир оила аъзосининг ўзига яраша масъулияти, бурчи ва вазифаси мавжуд. Айниқса, ёш оилалар мустаҳкамлигини сақлашда қайнона-қайнотанинг, умуман, катталарнинг ўрни жуда муҳим. Бугун эса одамлар орасида келиннинг сарпосию-мебели билан уй тўдириб, мактабни юриш одати учриб бормоқда. Ана шундай кимсаларга айтган бўлардик: қўлдан берганга қўш тўйма, нарсаси мол-дунёни ҳаркимнинг ўз пешонасига берсин. Бугун ораимизда ўз хатти-ҳаракатлари билан маълум маънода миллатимиз ривожига тушов

- **Оила саодати, тинчи Ватан ва халқ саодати ҳамда тинчлигининг негизидир.**
- **Яқин дугонам кўярда-қўймай қизимни келин қилди. Бирок...**
- **Чиққан қиз чигириқдан нари бўлиши керак.**
- **Юртимизда оила институтининг муҳим ҳуқуқий асослари мавжуд.**
- **“Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади”**

минланган оилаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ва фармойишлар ҳамда бошқа қонуний ҳужжатлар қабул қилинганки, улар юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йилнинг 2 февралда “Республика “Оила” илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди. Унда оилага тааллуқли бой ва сермазун миллий анъаналарни асраб-авайлаш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур синдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлиги-

бўлаётган айрим маънавият қашшоқ кимсалар ҳам борки, уларни инсофга чақириб ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши лозим. Президентимиз: “Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади”, деган эдилар. Ана шундай қимматли юксак фазилатларни шакллантиришда, ёшларни меҳнатга, ҳалоллик ва ростгўйликка ўргатишда, аввало, катталарнинг ўзи намуна бўлсалар айни муддао бўлар эди.

**Мухтарома КОМИЛОВА,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**



Қарор ва ижро

# Маданият ҳамда санъат ва ёшлар тарбияси

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юксак интеллектуал салоҳиятли, мустақил фикрлайдиган, бой дунёқарашга эга соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги 5 олий таълим муассасаси, 21 маданият ва санъат коллежи, 14 Олимпия захиралари коллежи, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги Иқтидорли кадрлар академик лицейида таълим сифати ва мазмунини янада такомиллаштириш, юқори билим ва салоҳиятга эга кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўналишида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида олиб борилаётган тизимли ишлар эътиборга молик.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мазкур олий ўқув юртида ташкил этилган “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданият ва санъат мунатта, ҳалоллик ва ростгўйликка ўргатишда, аввало, катталарнинг ўзи намуна бўлсалар айни муддао бўлар эди.

такомиллаштириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Тадбирда вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар, ижодий бирлашмалар, театрлар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги М.Ҳожиматов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Наманган санъат коллежи директори Т.Юсупова, Юсуф-жон қизиқ Шакаржонов номидеги Фаргона вилояти мусикали драма ва комедия театри бадий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти М.Юсупов ва бошқарлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, ёш авлодининг тафаккурини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қалби ва онгини турли зарарли таъсирлардан ишончли ҳимоялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 4 июнда

қабул қилинган “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бадий ижодиётнинг илғор услублари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллашга, юксак малакали мутахассислар тайёрлашни кенг йўлга қўйишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарор ижроси доирасида институтда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Миллий меъморчиликнинг анъаналари асосида бунёд этилган ўқув биноси замонавий техник имкониятлар, санъатнинг турли йўналишларига хос техник воситалар билан таъминланган ихтисослаштирилган ўқув хоналарига эга. Бундай кенг имкониятлар бўлажак мутахассисларнинг касб маҳоратини пухта эгаллашга, уларни янги ижодий парвозлар сари илҳомлантиришга хизмат қилмоқда.

Замонавий талабларга тўла жавоб берадиган кўркам ўқув театри қурилиб, зарур техник воситалар билан жиҳозланди. Кино, телерадио санъати йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун юксак даражадаги техник имкониятларга эга ўқув киностудияси ташкил этилди. Институт кинопавильонида замонавий монтаж, овоз ёзиш, дубляж, ёритиш ускуналари, уч ўлчамли видеокамералардан фойдаланиб, талабалар дастлабки ижодий ишларини яратмоқда.

Анжуман иштирокчилари институтда олиб борилган кенг

қўламли бунёдкорлик ишлари, талабалар учун яратилган замонавий шароит ва имкониятлар билан танишди.

Институтда 18 кафедра фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши ва “Маданият ва санъат соҳаси менежменти” ва “Режиссёрлик” ихтисослик йўлига қўйилди. “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” таълим йўналиши ва “Маданият ва санъат соҳаси менежменти” ва “Режиссёрлик” (“Оммавий тадбирлар режиссёрлиги”) йўналишлари бўйича магистратура очилди.

Талаба-ёшларнинг мамлакатимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлигини ошириш, билим даражаси ҳамда дунёқарашини бойитиш, ўқув ва бадий адабиётларга бўлган эътиҳини қондириш мақсадида ахборот-ресурс маркази фаолият қўрсатаётди.

Анжуманда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид маънавий-маърифий ишларни давр руҳига мос тарзда мутолақа қилиш, маданият ва санъат таълим йўналишидаги бориш, санъат йўналишидаги таълим масканлари билан ижодий ташкилот ва бирлашмалар, муассасалар, театр жамоалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Н.УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

Нашр

# “Нуқуқ ва бурч”

ижтимоий-ҳуқуқий журналининг янги сони босмадан чиқди

**Бугунги шиддат билан ўзгараётган глобаллашуво жараёнида, давлатларaro зиддиятлар кучаяётган, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқлари пайдо бўлаётган бир даврда тинчлик, осойишталикнинг аҳамиятини оддийгина жумла билан ифода қилмайди.**



Уруш, нотинчлик ва таҳдидлар бугун бирон бир давлат ёки минтақа билан чегараланиб қолаётгани йўқ. У бутун дунёга хавф солмоқда. Биргина мисол: қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан буён давом этаётган уруш Марказий Осиё минтақасидаги энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматовнинг “Тинчлик қадри” номли мақоласида юқоридаги мавзу ҳамда қонунларда ифодаланган йўлдан оғишмай боришининг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади.

Олий Мажлис Сенатининг Таъқиқ сиёсат масалалари қўмитаси раиси Соҳиб Сафоев билан уюштирилган “Экологик мувозанат минтақа истиқболлини белгилайди” сарлаҳавали суҳбатда атроф-муҳит билан боғлиқ трансчегаравий муаммолар, Тожикистон алюмин компаниясининг минтақа табиатига, одамлар соғлигига кўрсатаётган ҳалокат-

**Ўз мухбири**

Анжуман

# Миллий ҳунармандчилик

унинг ривожланишига маҳаллаларда алоҳида эътибор қаратилмоқда

ладан, оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида бугун республика бўйича 5 мингдан ортиқ фуқаролар йиғинларида “Маҳалла марказлари” ташкил этилган. Улар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари ҳамкорлигида ёшларни, шунингдек, ўқув юртларини эндигина тамомлаган ёшларни қорхона, муассаса ва ташкилотларга ишга жойлаштириш, уларни маълум бир мутахассислик бўйича ҳунармандларга бириктиришда кўмаклашишда. 260 минг нафардан ортиқ коллеж битирувчилари доимий ишга жойлаштирилди.

Тадбирда маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантириш, касаначилик, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, ташкил этилаётган янги иш ўринлари ҳақида маълумотлар берилди. Олиб борилган тушунарли ишлар натижасида “Маҳалла” фонди тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кўма-

ги билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 20 мингдан ортиқ оилавий тадбиркорлик фаолияти ташкил этилган. 7 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида нововийли, сартарошлик, дурдгорлик, кулчилик, қосиблик, ёғоч ўймакорлик, тикувчилик, зардўзлик ва бошқа ҳунармандчилик йўналишлари бўйича фаолият ташкил этилган. 5 мингдан ортиқ оилаларда касаначилик фаолияти йўлга қўйилган. “Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида фондинг ҳудудий бўлиб ва бўлиналари томонидан 606 нафар кам таъминланган оилаларга қорамол олиб берилган. Ушбу мақсадлар учун салкам 600 млн. сўмдан ортиқ фонд маблағлари сарфланган.

Тадбир мавзуси, турар-жой ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловлар бўйича журналистларнинг саволларига атрофлиқ жавоб берилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**



Обуна-2014

## Почта, матбуот тарқатувчи ва даврий нашрлар

ҳамкорлигининг янги шакллари амал қилмоқда

**Алоқа тарихи музейида “Босма оммавий ахборот воситаларини арзон ва тез тарқатиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида ахборот коммуникацион воситалардан кенг фойдаланиш бора-сида белгиланган чора-тадбирлар хусусида” деб номланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ, “Матбуот тарқатувчи” АК масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги “Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясининг фаолият йўналишлари белгиланиб, ташкилот зиммасига Республика аҳолиси ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуотига бўлган эҳтиёжини қондириш, вақтли нашрларга бўлган эҳтиёж маркетинги ва мониторингини ташкил этиш, вақтли матбуотни чакана савдо дўконлари тармоғи ва тарқатувчилар орқали тарқатишни таъминлаш, чакана савдо дўконлари тармоғини оқилона ва самарали жойлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ билан биргаликда вақтли матбуот намуналарини истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилишини, газета ва журналларга обуна бўлишни ташкил қилиш ва унинг алоқа бўлимлари тармоқлари орқали сотилишини таъминлаш каби вазифалар юклатилган.

Юртимизда камол топаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, иймон-этиқодини бутун, миллий қадриятларимизга содиқ бўлиб вояга етиши, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун ОАВ, жумладан, босма вақтли нашрларнинг аҳамияти беқийсдир. Миллатнинг маънавий қийфасини белгилаш, ёшларни мустақил фикрли, эркин шахс этиб тарбиялаш борасида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Бу, ўз навбатида, даврий нашрларни чоп этувчи, уларни белгиланган манзилларга етказиб бериш ва тарқатувчи ташкилот ҳамда идоралар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу маънода, “Матбуот тарқатувчи” компанияси томонидан босма нашрларни тарқатиш тизимини янада такомиллаштирилиши, обуна каталогига киритилган нашрларнинг нархини пасайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “2011-2014 йилларда даврий нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш ва хизматларининг янги турларини жорий этиш Дастури” доирасида амалга оширилаётган ишлар ана шулар жумласидандир. Дастурга мувофиқ тизим корхоналаридаги мавжуд “Матбуот” дўконларининг 687 таси жорий, 181 таси капитал таъмирланди, маркетинг тадқиқотларига асосан аҳоли гавжум жойларга 88 нава янги дўконлар жойлаштирилди ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказий қўчаларида янги тилдаги дўконлардан 80 таси тайёрланиб, фойда-

ланишга топширилди.

Вақтли матбуот нашрларини ўқувчиларга тарқатишда компания 14 та вилоят почта алоқаси филиаллари, “Халқаро почта” филиали, барча туман почта боғламаси ва алоқа бўлимлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Аҳоли гавжум жойларда жойлашган 840 та “Матбуот” дўконлари орқали газета ва журналларга обуна ташкил қилиш учун имкониёт ва шариит яратилгани янги обуна мавсумида муштарийларга қулайлик туғдирмоқда.

Хизматнинг тобора ривож топиб бораётганлигини www.akmt.uz веб-сайтдан фойдаланган ҳолда даврий нашрларга интернет орқали алоқа қабул қилинаётганидан ҳам билиш мумкин. Ушбу сайт барча тахририятларга обуна уюштиришдаги тезкор маркетинг натижалари билан мунтазам танишиш, жараёни бевосита он-лайн режимида кузатиб бориш имконини беради. Шунингдек, сайтда аҳоли ва ташкилотлар учун обуна каталоги ҳам жойлаштирилган.

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда “Матбуот тарқатувчи” компанияси, “Шарқ” нашриёти матбаа акциядорлик компанияси ҳамда “Ўзбекистон” ижодий уйи ўртасида обуна бюртмаларини жойлаштириш электрон кўринишда амалга оширилаётгани натижасида қорғоз маҳсулотини тежашга эришилмоқда. Янги обуна мавсумида компания электрон тарздаги бюртмаларини “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ таркибидagi “Халқаро почта” филиали орқали йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Анжуманда обуна тўловларини пластик картонкалар орқали қабул қилишни ташкиллаштириш, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида компания шаҳобчаларида терминаллар сони 224 тага кўпайтирилганлиги, чакана савдо тизимида ўтган йиллар давомида 134 турдаги китоб маҳсулотлари савдога чиқарилаётган бўлса, бугунги кунга келиб 1400 га яқин ҳар хил турдаги китоб маҳсулотлари тармоқ дўконлари орқали сотвга қўйилганлиги хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Почта жўнатмалари ва даврий нашрларни аҳолига етказиб бериш учун 6 427 та участка ташкил этилган бўлиб, унда 6 минг нафардан ортиқ почталарнинг мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи аҳолига почта алоқаси хизматларини кўрсатиш билан бир қаторда даврий нашрларни ҳам обуначиларга ўз вақтида етказиб бермоқда.

Маълумотларга қараганда, даврий нашрларни ўз вақтида етказиб беришда жамият ўз таркибидagi 14 та ҳудудий филиал, 1 та ихтисослаштирилган “Халқаро почта” филиали, 187 та туман ва шаҳар почта алоқа тармоқлари ва ишлаб чиқариш участкалари, 2986 та (шундан 2 227 таси қишлоқ алоқа бўлимлари) почта алоқа бўлимлари 30 та яна, 1 та темир йўл ҳамда 482 та автомобиль почта ташиш йўналишлари воситасида почта жўнатмаларини ўз вақтида етказиб бермоқда.

Матбуот анжумани якунида “Матбуот тарқатувчи” ва “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ жамоаси бундан кейин ҳам матбуот тарқатиш ишини янада такомиллаштириш, даврий нашрларни муштарийлар қўлига қисқа муддатларда сифатли етказиб бериш учун зарур чораларни кўриш борасидаги режалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

**М.ЎҚУБОВЕВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

**Хотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза)**  
олган суратлар.

Тадбир

## ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ

ва уни асраш барчамизнинг бурчимиздир

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан “Оилани асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиз” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, Омбудсман, “Маҳалла” жамоат фонди, маҳалла маслаҳатчилари, қўмита фаоллари, Тошкент шаҳар ФХДБ бўлимлари, “Оила” илмий-амалий маркази, ОАВ ва қатор нодавлат ташкилот вакиллари иштирок этди.**

Маълумки, халқимиз оилани азал-азалдан муқаддас, деб билади. Ёш оиланинг мустаҳкам ришта билан боғланишига эътибор қаратиш, унинг тотувлигини таъминлаш, турмушнинг ёш вакилларига турли қийин вазиятларда елкадош бўлиш, зарур маслаҳат ва қўмак беришда жамоатчилик бекиёс ўрин тутди. Ота-болаларимиз маърифатли кишилар маслаҳатига нафақат давлат ишларида, балки оилавий муносабатларни тартибга солишда ҳам муружаат ва амал қилганлар. Бу анъана оғир оша ўз самараси ва таъсирини йўқотмаган. Бугунги кунда халқ хурматига сазовор зиёлилар маҳалла ва оилалар ҳаётининг фаол иштирокчисига айланган. Чунки ахборот хуружи авж олиб бораётган бугунги шароитда халқ учун зиёли ва илму маъ-

рифат кишилари ҳар қачонгини зарурроқ, десак янглишмаган бўлаемиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оила мустаҳкамлигига жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, Президентимизнинг 20 га яқин фармон, қарор ва фармойишлари, 70 дан ортиқ ҳужумат қарорлари, фармойишлари қабул қилинганлиги сўзимизнинг яққол далилидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1998 йилни “Оила йили”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили” деб номлангани ҳам мамлакатимизда оила институтига берилган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 30 миллиондан зиёд киши истиқомат қилади, оилалар сони эса 5,5 млн.ни

ташкил этади. Шундан 51,2 фоизи шаҳарларда яшайди. Ёш оилаларга, хусусан, қишлоқларда истиқомат қилаётган оилалар учун махсус кредитлар ажратилиб, намунали уй-жойлар қуришда, хонадон учун зарур бўлган жиҳозлар имтиёзли нархларда тақдим этилмоқда. Шоли курмасиз бўлмаганидек, афсуски айрим оилаларда ажралишлар юз бераётгани ҳам сир эмас. Таҳлил ва кузатувлар шунки кўрсатмоқда, ажримларнинг 18 фоизи оилалардаги келишмовчиликлар, 22 фоизи ўзаро муҳаббатнинг йўқлиги, феъл-атворнинг тўғри келмаслиги, қолганлари эса оилавий муаммолар, эр ёки хотиннинг касаллиги, энг ачинарлиси, айрим йигитларнинг ичкиликбозлик, гийҳвандликка берилиб кетиши, қайнона ва келин муносабатларининг бузилиши натижасида келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситханова мавзу ҳақидаги маълумотларда жумладан, шундай деди:

— “Обод турмуш йили”да 147 та туманининг 352 та қишлоғида замонавий лойиҳалар асосида 10 мингта намунавий уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилганлиги таҳсинга лойик. Намунавий уй-

жойлар қурилиши учун 10 мингта оиллага “Қишлоқ қурилиш банк”, “Миллий банк” ва “Ипотека банк” томонидан 1,4 трлн.сўм миқдориди 15 йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари берилди.

Тадбирда оилавий ажримларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Масъул ташкилотларга ажримларнинг олдини олишга қаратилган чоралар ишлаб чиқиш тавсия этилди. Ҳар бир маҳаллада 5 кишидан иборат жамоатчилик шўъбасини шаклланди ва келажагини асрашга ҳар биримиз масъулмиз. Зеро, ватанимизнинг ҳар бир фуқароси олдидаги энг юксак мақсадлар моҳиятида ҳам ана шундай эзгу ниятлар мужассам.

**Мухайё НУРМЕТОВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

ИПХ фаолиятдан

**Мурод Салоҳиддинов асли Наманган вилоятидан. Лекин иши юзасидан тез-тез Тошкент шаҳрига келиб туради. Уша куни ҳам у ишонч қозғи билан бошқарётган, Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида яшовчи Қобил Убайдуллаевга тегишли бўлган «Хундай Аванте» русумли, давлат рақам белгиси 50 S 454 СА бўлган автомобилда Тошкентга келди. Тунги соат 01.00 ларда Чилонзор туманида жойлашган “Чилонзор буюм бозори” олдига келиб машинасини йўл четига тўхтатди.**

Автомобилдан тушган Мурод эшикларни қулфлаганига яна бир қарра ишонч қосил қилган, бозор ичига кириб кетди. Чамаси бир соатларда бозор ичидagi ишларини битириб, 02.30 ларда ташқарига чиқди. Машинасини кўйган жойга яқинлашди-ю, бир зумга қарақат бўлиб тўхтаб қолди. Чунки машина жойида йўқ эди. Мурод аввалига “машинасини бошқа жойга қўйгандирман”, деб бир оз иккиланди. Ён-атрофини кўздан кечирди. Лекин машинаси йўқ эди. Шу ерда турган бошқа транспорт воситаларининг ҳайдовчиларидан суриштирди. Улар елка қисидан на-рига ўтишмади.

— Ҳа, мана калити. Қўйган жойим ҳам шу ер. Мана бу автомобиль ўша вақтда ҳам турган эди,

деди Мурод қаторда турган автомобиллардан бирига ишора қилиб. — Нима қилсам экан-а?

— 102 га кўнгирак қилинг, вақт ўтказмасдан тезда хабар бериш керак, - дея маслаҳат берди ёши каттароқ киши. — Бирор жойга беркинмасидан ушлаш осон кечади.

— Тўғри, тўғри, маъқуллади қолган ҳайдовчилар ҳам.

Мурод дарҳол қўл телефонидан 102 рақамини терди. Орадан бир оз вақт ўтиб, Тошкент шаҳрида хизмат олиб бораётган патруль автомобилларининг алоқа воситаси ишга тушди.

— Дижкат, дижкат! Барча постлар, хизматдаги ходимлар дижкатига! “Тўсиб ушлаш” тадбири эълон қилинади. Ҳамма ёзиб олсин. Номаълум шахс томонидан «Хундай-Аванте», қайтараман «Хундай-Аванте» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарил-

## Ўғирланган «автоулов» Самарқандда тутилди

ган, давлат рақам белгиси 50 S 454 СА бўлган автоулов Чилонзор тумани, “Чилонзор буюм бозори” олдида олиб қочилган. Ушбу транспорт воситасини аниқлаш ва ушлаш чоралари кўрилсин.

Худди шу вақтда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХБнинг марказий ахборот-диспетчерлик хизматининг телефони ҳам жинглиди. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХБ наватчисига Бош бошқармада наватчиликда бўлган майор И.Усмоновга вазият тўғрисида ахборот берди. Ўз наватчида майор И.Усмонов Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ва вилоятлар ИИБ ЙХБларининг ахборот-диспетчерлик хизматлари га хабар берди. Бутун республика бўйлаб олиб қочилган транспорт воситасини ушлаш бўйича ишлар ташкил этилди.

Самарқанд вилояти ИИБ ЙХБга қарашли «Юқори нуқта» мунтазам йўл-патруль хизмати масканида хизмат олиб бораётган ходимлар ҳам хушёрликни оширган ҳолда хизматни ташкил этишди. Маскандан ўтаётган ҳар битта транспорт воситаси синчковлик билан кузатила бошланди. Соат тахминан тонг-ни 04 ларга яқинлашганда Жиззах томонидан келаётган қораланги автомобиль ходимлар

эътиборини тортди. Вилоят ИИБ ЙХББ 1-ИПХ отряди инспектори катта сержант О.Ҳамидов эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда автомобилга тўхташ ишорасини берди. Аммо транспорт воситасини бошқариб келаётган ҳайдовчи тўхташни ҳаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, у тезликни кескин ошириб, ҳаракатини давом эттирди. Инспектор шериги, кичик сержант О.Ҳамраев билан дарҳол ўзига бириктирилган “ВАЗ-2108” русумли 30 436 ВАА давлат рақам белгиси автомобилга ўтирди ва алоқа воситаси орқали вилоятнинг ахборот-диспетчерлик хизмати га шу йўналишда хизмат олиб бораётган мобил гуруҳлар ва «Штаб» мунтазам йўл-патруль хизмати масканларига хабар берди. Вилоят ахборот-диспетчерлик хизматида автомашинани орқасидан кузатиб келиш ҳақида топшириқ олди.

Алоқа воситаси орқали берилган хабар тунги хизматга «Ласетти» русумли, давлат рақам белгиси 30 553 ВАА бўлган автомобиль жалб этилган ҳар экипаж аъзоси, кичик сержант Ф.Сирожевни ҳам хушёр торттирди.

Ходимлар патруль автомобилларида ушлаш учун берилган транспорт воситасининг ортидан

таъқиб қилиб, кузатиб кела бошладилар. Бу орада алоқа воситаси орқали шу янги атрафдаги ҳодимларни огоҳлантиришди.

Шу куни вилоят ИИБ ЙХББ бўйича масъул бўлган ИИББ штаб бошлиғи, майор А.Жўраев зудлик билан “Штаб” мунтазам ИПХ масканига етиб борди. Ходимларга транспорт воситасини ушлаш юзасидан келди кичик сержант Ф.Сирожев билан боғланиб, «Штаб» мунтазам йўл-патруль хизмати масканларига хабар берди. Шу куни хизматда бўлган АДХ катта инспектор наватчисини майор Ўткир Эшмуродов ИИБ ЙХББнинг марказий ахборот-диспетчерлик хизмати билан телефон орқали боғланиб вазият тўғрисида маълумот берди.

— Қўшимча кучларни жалб этинг. Эҳтиёт чоралари кучайтирилсин, - деди майор И.Усмонов. — Вазият тўғрисида мунтазам ахборот бериб туринг. — Мен сизни тушундим, қисқа жавоб берди майор Ў.Эшмуродов ва яна таъқиб қилиб келаётган автоэкипажларга алоқага чиқди.

— Вазият тўғрисида ахборот беринг, - деди у “Ласетти” русумли патруль автомобилда келиб бораётган кичик сержант Ф.Сирожев билан боғланиб, — Ҳозир қаерда келаясиз?

— Автомобиль катта тезлик билан ҳаракатланаяпти, жавоб берди кичик сержант Ф.Сирожев. — Зарафшон дарёсининг кўпригидан ўтаяпмиз.

— Тушундим. Кузатувни давом эттиринг.

Наватчи вазият ҳақида зудлик билан майор А.Жўраевга хабар етказди. Ўз ўрнида эҳтиёт чораларини кўриш лозимлиги ҳақида ҳам ходимларни огоҳлантирди.

Майор А.Жўраев “Штаб” мунтазам ИПХ масканида хизматга жалб этилган барча ходимларни огоҳлантириб, йўлни тўлиқ ёпиш тўғрисида кўрсатма берди. Шу куни хизматда бўлган ИПХ ходимлари, 1-ИПХ отряди 2-сафарбарлик гуруҳи командири, кичик сержант М.Эгамбердиев, ИПХ инспекторлари катта сержант Ш.Достонов, кичик сержант Ш.Исмоилов, ИПХ кинолог-инспектори, кичик сержант О.Болтаев топшириқни зудлик билан бажариб, ходимларнинг

қонуний талабига бўйсунмасдан келаётган, номаълум ҳайдовчи бошқарувдаги, Тошкент шаҳридан олиб қочилган транспорт воситасини ушлашга шай бўлиб турди.

— “Тўсиб ушлаш” тадбири эълон қилинганидан бошлаб автомобилни ушлагунимизгача ўтган вақт оралиғида барча ходимларимиз ўша хушёрлик билан хизмат олиб боришди, - дейди Самарқанд вилояти ИИБ ЙХББ ЙХБ штаб бошлиғи майор Аҳмад Жўраев. — Айниқса, йўналишини тўсиб, ҳайдовчини қўлга олиш жараёнида ходимларимиз ўзларининг жисмоний тайёргарликлари юксак эканлигини кўрсатишди. Йўл ёпилаётганини кўрган ҳайдовчини довдираб ортиқ қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмади. Уни автомобиль билан бирга Самарқанд шаҳар ИИББнинг тергов бўлимига топширдик.

Шундай қилиб, ходимларнинг хушёрлиги, ўз ишини пухта билиши натижасида яна бир жиноят қисқа вақт ичида фош этилди.

**Мансуржон РИХСИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХББ катта инспектори, подполковник

## Бизнинг шарҳ

# ҚАДРИЯТЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Индонезия халқ партияси демократия тамойилларига таяниб, мамлакат суверенитети, миллий манфаатлари ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилади



Йил ўтгач, тарқатиб юборилди. Аммо бу вақтга келиб "ғишт қолипдан кўчган", Индонезияда мустақилликни қўлга киритиш ҳаракатлари мамлакат бўйлаб тарқалган ва мазкур партия бошлаган ҳаракатлар қайсидир маънода халқ томонидан давом эттирилмаётган эди.

1945 йил 17 августда Индонезия мустақиллиги эълон қилинган, Миллий партия ўзини тиклаш ҳаракатига тушди. 1946 йил бошида Кедридидаги съездда партия қайта тикланди, унинг норасмий етакчиси Сукарнолигича қолди. Негаки, мамлакат раҳбари сифатида у, Конституция талабларига кўра, партиясиз бўлиши керак эди. Уша пайтда миллий бирлашиш ва мустақил Индонезия давлатини барпо этиш дастури сифатида партия Сукарно томонидан илгари сурилган бешта тамойилни қабул қилди — Индонезия миллийлиги, интернационалик ёки инсонпарварлик, мунозара ёки демократия, ижтимоий фаровонлик ва Худого ишонидир.

Утган қарийб 20 йил давомида сиёсий майдонда анча тобланган партия ўзига хос ғоя ва мақсадларни яратди. Энг аввало, партия мамлакатда узоқ йиллар давомида сакланиб келинаётган урф-одат ва анъаналарга содиқ қолиш, оилавий қадриятларни ҳимоялаш, барча қарорларни халқ иродасига мувофиқ равишда қабул қилиш мажбуриятини олган. Бошқача айтганда, партия қадриятлар ва замонавий тараққиёт уйғунлигини илгари суради.

Тарихий обидаларни асраб-авайлашга ҳам партия томонидан алоҳида эътибор берилди. Зеро, қарийб 18 мингта майда ороллардан ташкил топган мамлакатда ўнлаб, ҳатто юзлаб ёдгорликлар мавжуд. Меъморий ҳибсага олиниб, партия фаолияти қарийб тўхтатиб қўйилди. Бир

кичик эҳромлар бор. Партия вакиллари оролларнинг ўзига хослиги, хилма-хиллиги Индонезияда туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳларни жалб этишга кенг имконият яратди.

Партия етакчилари 1945 йилдан эътиборан ҳукуматдаги муҳим лавозимларни эгаллаб келишди. 1952-57 йилларда эса кичик танаффус билан Индонезия ҳукуматига бошчилик қилишди. 1950 йил майда партияда бўлиниш юзага келиб, ундан Миллий халқ партияси ажралиб чиқди. Шу йилнинг августда мамлакатда янги парламент — Халқ вакиллари кенгаши ташкил этилди. Унда Миллий партия 36 та ўринга эга бўлди.

Индонезия халқ партиясида иккинчи бўлиниш ҳам узоқ куттирмади. 1958 йил августда сўл қанотнинг бир қисми партиядан чиқиб, янги — Индонезия партияси ташкил этди. 1960 йилда партиянинг бош раиси этиб сўл қанот етакчиси Али Састроомижойо сайланди. Янги раис Миллий партиянинг ғоявий асосини Сукарно томонидан ишлаб чиқилган мархаэнизм («мархаээн» - оддий одам) асосида давом эттирди. Унга кўра, санотнинг муҳим соҳаларини маҳаллийлаштириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Индонезия аҳоли сони жиҳатидан Хитой, Ҳиндистон, АҚШдан кейин тўртинчи ўринда туриши инобатга олинса, Миллий партия томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган янги дастур нақадар тўғри экани аниқлашди.

Айни пайтда Индонезия халқ партияси ҳукумат томонидан иктисодийётда муҳим ўрин тутган хорижий сармояларни кенг жалб этиш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Беҳзод ИСКАНДАР

қутқариш мақсадида Миллий партия ўзига хос ғоялар асосида иш тутди. Бошқача айтганда, мазкур сиёсий партия жойлардаги тадбирларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ўз тили, дини, эътиқоди эркин бўлиши учун фақат ва фақат мустақилликка эришиш лозимлигига уруғ берилди.

Тарихий маълумотларга кўра, мазкур партия 1927 йил 4 июлда Бандунгда Ахмедом Сукарно раҳбарлигида ташкил этилган. Мазкур ташкилот дастлаб "Ия" миллий ассоциацияси сифатида фаолият бошлаган ва 1928 йил майда номи "Индонезия миллий партияси", дея ўзгартирилди ва партия вакиллари умумдемократик талаблар билан бир қаторда Индонезиянинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун курашни шийор қилиб олишди. Партия раҳбарияти фикрича, Индонезиянинг голландлар ҳукмронлигидан қутқариш куч ишлатиш йўли билан эмас, аксинча, халқнинг кенг миқёсдаги умуммиллий ҳаракати орқали амалга оширилиши керак эди.

Партия, шунингдек, тез орада мустақиллаш ҳукумат билан ҳамкорликдан воз кечиш сиёсатини олиб борди ва ўзининг ижтимоий-иқтисодий дастурини ишлаб

**Индонезия дунёдаги сиёсий партиялари нисбатан кўп мамлакатлар қаторига кирилади. Айни пайтда Ороллар мамлакатига қарийб 200 та сиёсий партия фаолият олиб бораётган бўлиб, улар 240 миллион нафарга яқин аҳолига эга юртда ўз сиёсий қарашлари, ғоялари билан тарғибот ишларини олиб боради, электрорат манфаатларини ҳимоя қилади. Шулардан бири Индонезия миллий партияси бўлиб, нуфузи жиҳатдан мамлакатдаги йирик сиёсий ҳаракатлардан саналади.**

Кузатувчиларнинг фикрича, Индонезия миллий партиясини мамлакат мустақиллигини қўлга киритишда алоҳида жонбозлик кўрсатган куч сифатида кўришди. Зеро, ўтган асрда мамлакатни голландлар ҳукмронлигидан

## Рангин дунё

# Кёнгжу давлат музейи

**Жанубий Корея бетакдор табиати, иқлими ва диққатга сазовор тарихий масканлари билан машҳур. Неча минг йиллик тарихга эга муҳташам мажмуалар, ёғоч ҳамда тош ўймакорлиги, ўзига хос наққошлик услубида безатишган ҳашаматли иншоотлар дунё сайёҳлари эътиборини қозониб келмоқда. Шу боис ҳам унга Шарқий Осиёнинг марвариди деб таъриф беришди. Корей халқининг ўз миллий тарихи ва маданиятига бўлган чуқур ҳурматини неча минг йиллик тарихга эга бўлган аجدодлари меросини кўз қорачиқидек асраб келаятиганидан ҳам яққол билиш мумкин.**

Кёнгжу шаҳри Жанубий Кореянинг ана шундай масканларидан бири саналади. Шаҳарда минг йиллик тарихий воқеаларнинг шохиди бўлиб келаятган миллий музей қад ростлаган. Тарихий манбаларга кўра, Кёнгжу шаҳри Силла қироллигининг (эрамыздан аввалги — 935 й.) қадимий пойтахти ҳисобланган. Шаҳар ўзига хос архитектурага эга бўлиб, VII асрда 1360 даҳага бўлинган, атрофи мустаҳкам девор билан ўралган. Бироқ у XVI асрда ички низолар оқибатида вайронга айланган. Девор қолдиқлари — қироллик қасрининг пойдевори ҳамон сақланиб келмоқда. Шаҳарнинг теварак-атрофини Соккурам, Пулгукса, Бондокса, Пунхвансатхап ибодат-

хоналари ҳамда Чхонсонде обсерваторияси мажмуаси ўраб туради.

1910 йилда Кёнгжуда ана шу ёдгорликларни ўз ичига олган музей қурилади ва унга "Силла жамияти Кёнгжу шаҳрида" деб ном берилди. 1975 йилга келиб қайта таъмирланади ва Кёнгжу Давлат музейи деб аталади. Унда қадимий миллий мерос намуналари сақланаётганлиги боис Миллий музей номини ҳам олган. Музей катталиги жиҳатидан дунёда 4-ўринда туради. Кёнгжу йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳлар билан гавжум. Сайёҳларни ўзига жалб қилган яна бир жиҳати, музей яхлит бинодан иборат эмас. Шу боис маҳаллий аҳоли уни "деворсиз музей" деб

ҳам атади.

Музейда Силла даврига оид тилладан ясалган тож, қадимий керамика буюмлари, будда ибодатхонаси ёдгорликлари, тошдан ясалган ҳайкалтарошлик намуналари сингари ноёб экспонатлар сақланади. Музей 3 қаватдан иборат бўлиб, ички қисмида Йонг миллий театри жой олган. Сайёҳлар қадимий тарих, миллий урф-одат ва анъаналар асосида тайёрланган саҳна асарларидан ҳам баҳраманд бўлишлари мумкин. Шунингдек, музейдан маҳаллий хунармандларнинг амалий санъат асарларини сотадиغان дўконлар ҳам ўрин олган. Музейнинг биринчи қаватида палеолит, неолит даврига мансуб сопол идишлар, археологик ёдгорликлар, корейс ёзувининг пайдо бўлиш тарихи, корейс ёзувидаги илк ҳужжатлар, қироллар ва элчиларнинг мактублари кўйилган. Яна бир қизиқарли экспонат Кодальс будда ибодатхонасининг тошдан ясалган, икки йўлбарс акси туширилган фонтанидир.

Музейнинг 2 ва 3-қаватларида миллий хунармандчилик санъатининг нафис, дурдона асарлари галереяси, амалий безак санъати намуналари, ҳайкалтарошлик, тош ва металдан ўйиб



ишланган буюмлар, шойи тўқиш анжомлари ҳамда туш ва бўёқда чизилган расмлар сақланади.

Музей ҳовлисидаги "Буёқ Қирол Сондокнинг илоҳий кўнғироғи" дея аталувчи бронзадан ясалган оғирлиги 19, (баъзи манбаларда 23) тонна, узунлиги 3 метрдан ортиқ бўлган, Осиёдаги энг катта кўнғироқ сайёҳларнинг эътиборидан четда қолмайди. Уни "Пондок кўнғироғи" ёки "Эмил кўнғироғи" деб ҳам аташади. Кўнғироқнинг ўзига хос тарихи бор. Тарихий манбаларга кўра, мамлакатнинг 35-қироли Кёндок (742-765 йиллар) отаси қирол Сондокнинг хотираси

учун кўнғироқ саттиради. Аммо кўнғироқ негандир чалинмайди. Қирол усталарнинг янада яхшироқ ишлашга ундаб, ишни шахсан ўзи назорат қилади. Бироқ унга кўнғироқнинг овозини эшитиш насиб этмайди. Қирол Кёндокнинг вафотидан сўнг ишни тўғри ўғли Хегон барча давлат маслаҳатчилари ва руҳонийлар билан маслаҳатлашиб давом эттиради. Қиролнинг ҳаракатлари беса-мар кетмайди. Бироқ кўнғироқ фақат бир мартагина овоз беради. Маҳаллий аҳоли уни қачондир яна бир бор чалинишига ишонади.

Тўмарис АЪЗАМ

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Хонсюда Випха тўфони

Тарқатилган маълумотларга қараганда, Япониянинг Хонсю оролида Випха тўфони кузатилган.



Кучли тўфон оқибатида қарийб ўн киши ҳаётдан кўз юмган, бедарак йўқолган ҳам борлиги айтилмоқда. Тўфон мамлакат пойтахти Токио атрофидаги кичик шаҳарларга ҳам жиддий зарар етказган, қатор иншоотлар вайрон бўлган. Айни пайтда мазкур ҳудудларда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

## Вазият оғир

БМТ томонидан тарқатилган маълумотларга кўра, айни пайтда Сурия аҳолисининг 40 фоизи инсонпарварлик ёрдамига муҳтожликда яшамокда.



Ташкилотнинг гуманитар масалалар бўйича мутахассиси Валерие Амоснинг фикрича, ҳозир Сурияда вазият мураккаблашиб бораётди. Маълумотларга қараганда, шу йилнинг сентябр ойида ушбу мамлакатда 6,8 миллион аҳоли ёрдамга муҳтож бўлган. Ҳозирга келиб улар сони 9,3 миллион кишига етган. Гуманитар ёрдамга муҳтож сурияликларнинг ярмидан кўпи уруш ҳаракатлари туфайли ўз уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Шунингдек, гуманитар ёрдамларнинг вақтида етиб бормаётгани ҳам кўпчиликни ташвишга солмоқда.

## Сиёсий фаоллик керак

Люксембургда сайловларга бормаслик 100 еврога тушади.



Люксембург ҳукумати томонидан сайловларда қатнашмаганлик учун жарима жорий этилган. Унга кўра, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари сайловчи сиёсий тадбирларда қатнашмаса, 100 евро миқдорда жаримага тортилади. Кузатувчиларнинг фикрича, мамлакат ҳукумати шу йўл орқали сайловчиларнинг сиёсий фаоллигини оширишга умид қилмоқда. Эслатиш жоиз, яқинда қарийб 550 минг аҳоли истиқомат қиладиган мамлакатда парламент сайловлари ўтказилди. Натижаларга кўра, охириги 18 йил давомида ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллаб келган Люксембургнинг амалдаги бош вазири Жан-Клод Юнкер ягона номзодлигича қолган.

## XXI аср қароқчилари

Жаҳон банки ва БМТ экспертлари томонидан Африка қароқчиларининг даромади ва фаолиятига доир маъруза тайёрланган.



2005-2012 йиллар давомида африкалик қароқчилар, айниқса, Сомали қароқчиларининг гаровга олинган одамлар учун олган пуллари 400 миллион АҚШ долларидан ошган. Кузатувчиларнинг фикрича, оддий ижрочи бўлиш унчалик фойдали эмас, зеро, пулларнинг катта қисми қароқчиларнинг ортида турган шахслар чўнтагига тушади. Фарб экспертларининг маълумотларига қараганда, ноқонуний йўл билан топишган пулларнинг 30-50 фоизи айнан улар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, тадқиқотда ноқонуний топишган пуллар бошқа жиной операцияларни молиялаштириш, хусусан, одам ва қурол-яроқ савдосига йўналтирилиши айтилган.

Интернет хабарлари асосида Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади

Премьера

“ПОЙГА”

янги йўналиш ва жанрдаги фильм

Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири бекиёс эканлиги сир эмас. Бугунги кунда кино санъатини ривожлантириш, бу борда зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда. Бу фильмларда тарихимиз ва бугунги кунимиз билан боғлиқ мавзулар ёритилмоқда.

Яқинда Алишер Навоий номидаги кино саройида “Ўзбекино” Миллий агентлиги буюртмасига асосан тасвирга олинган “Пойга” бадиий фильмининг тақдими бўлиб ўтди. Фильм режиссёри — Абдувоҳид Ганиев, сценарий муаллифи — Шоира Гиёсова. Бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Матёқуб Матчонов, Шоҳида Исмоилова, ёш актёрлар Йигитали Мамажонов, Асал Шодиева ижро этган. Фильмдаги кадрлар, ҳар бир жараён оператор Рустам Муродов томонидан маҳорат билан тасвирга олинган.

“Пойга” фильмининг мавзуси, унда илгари сурилган гоа ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни ҳаётга енгил-ёлпи қарашлари оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларга қаратилган.

Картинада узоқ йиллардан бери йўл ҳаракати ҳафсизлиги ҳодими бўлиб ишлаб келаётган капитан Ботир Холматовнинг иш фаолияти ва оиласи ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳарнинг капитан Ботир Холматов хизмат қилаётган ҳудудда бир гуруҳ безорилар тун чоғида машиналар пойгасини уюштириб, аҳолининг тинчлигини бузаётгани маълум бўлади. Капитан ҳаммаслари билан бирга безориларни қўлга олиш режасини тузади, бироқ қўтилмаганда бу ишга Холматовнинг семилми кизи Одила ҳам аралашиб қолгани маълум бўлади ва воқеалар тамомила бошқача тус олади...

Бу каби ўзига хос йўналиш ва жанрдаги фильмнинг яратилиши нафақат кино санъатининг, балки ижодкорларимизнинг ҳам ютуғидир.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

Музейларимизда

Марғилон шаҳар тарихи музейи

янги экспонатлар билан бойимокда



*Косибу хунармандлар шаҳри бўлган Марғилон қадим замонлардақ ўзининг ипаги, атласу адраси билан дунёга маълум ва машҳур. Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган шаҳар Эрон, Хитой ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан келган савдогарларни ўзининг яла-я ёнувчи атласи, адраси, ипагу шойилари билан ром этиб келган. Бу кўҳна замин ҳаминша инсонларни ўзига мафтун этган.*

Бугун Марғилонга келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Шаҳар тарихи, косибу хунармандлар ҳаёти, кўзни қамаштирувчи атласу адраслари ҳақида ҳикоя қилувчи Марғилон шаҳар тарихи музейи ҳам доимо зиёратчилар билан гавжум. Бу ерга келган инсон ҳар сафар ўзи учун нимадир олиб кетади.

Фарғона вилоят музейлари орасида Марғилон шаҳар тарихи музейининг алоҳида ўрни бор. Дастлаб, Ўзбекистон халқлари тарихи, кейинчалик Фарғона вилоят Улканни ўрганиш музейининг филиали сифатида фаолият олиб борди. Президентимизнинг 2005 йил 9 ноябрдаги “Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қароридан келиб чиққан ҳолда шаҳардаги мемориал ҳамда



адабиёт ва санъат музейлари негизида Марғилон шаҳар тарихи музейи ташкил этилди. 2007 йилда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилеи нишонлаши арафасида музей мукамал таъмирдан чиқарилди ва янги экспонатлар билан бойитилди. Музейнинг 114 кв.м ҳажми фойеси, 100 ўринга мўлжалланган конференция зали ва ҳажми 587 кв.м га тенг 6 та кўрғазма заллари томошабинлар ихтиёрида.

— Музейимизда 6 мингдан зиёд экспонат бор, дейди биз билан суҳбатда музей директори Фанихон Алижонов. - Шулардан энг қадимийси 2 минг йиллик тарихга эга бўлган сопол қозон ҳисобланади. Шунингдек, XIV-XV асрга оид жангчилар совут ва қалқони, чироқдон, овчи-лар қопқони ҳамда ўша даврга оид уй-рўзгор буюмлари ҳам музейимиздан ўрин эгаллаган. Бурхониддин Марғилоний асарларидан келтирилган намуналар, “Хидон” асарининг XVI асрда кўчирилган “Никоҳ” ва “Савдо”га оид кўлэзма китоблари

энг ноёб экспонатларимиз сирасига қиради.

Музейимиз Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги муносабати билан қайта таъмирланиб, замонавий пешойналар олиб келинди. “Марғилон шаҳри мусдақиллик йилларида” номли зал ташкил этилди. Термиздаги Ўзбекистон Археология музейи, Фарғона Улқашнослик музейи ҳамда пойтахтдаги бир қанча музейлар билан ҳамкорлик қилиб келамиз, улар музейни экспонатлар билан бойитишда яқиндан қўмак бериб келишди. Ҳозирги кунда музейимизга 6 мингдан ортиқ экспонат кўйилган бўлиб, доимий равишда тўлдириб боришмоқда. Ташриф буюрувчиларнинг асосини ёшлар, қўшни вилоятдан келган меҳмонлар ҳамда хорижий сайёҳлар ташкил этади. 23 кишилик иборат жамоамиз аъзолари зиёратчиларга намуналий хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Шунингдек, ҳар бир ташриф буюрувчи Марғилоннинг атлас, адрас, бўз, шойи каби матола-рини, унинг қандай тўкилиши,

рангларни тайёрлаш сирлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлишни истади. Миллий матоларимизнинг тўкилиш жараёни билан таништириш мақсадида музейдаги “Ҳозирги замон” залига атлас тўқиш дастгоҳини ўрнатдик. Томошабинлар шу эрининг ўзида атласнинг тўкилишини гувоҳи бўлади. Ўтган 2012 йилда музейимизга 9 минг 200 нафардан зиёд томошабин ташриф буюрди. 2013 йилда бу кўрсаткич янада кўпаяди. Музейимизнинг моддий-техник базаси ҳам бойиб бормоқда. 2013 йилнинг биринчи чора-ғида 16 миллион сўмлик зарур жиҳоз, компьютер жамланмалари ва фотоаппарат олиб келинди. Келгусида музейимизни ноёб тарихий экспонатлар билан бойитиш, зиёратчиларга томоша залларини янада қизиқарли қилиш, дунё музейлари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ниятидамыз.

**Муслима ЙЎЛДОШЕВА,**  
Бувайда туманидаги 39-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси:

— Музей ҳақидаги таассуротларим чексиз. Жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. Биз устозларимиз билан вилоятимиздаги музей, тарихий масканларга тез-тез ташриф буюрамиз. Бундай масканлар тарихимизни ўрганиш билан бирга, ота-боболаримизнинг касб-хунарлари, ҳаёт тарзи ҳақидаги фикрларимизни бойитади. Музейнинг ҳар бир зали ташриф буюрувчиларга нимадир беради. Биз тўқиш дастгоҳи орқали миллий матоларимизнинг тўкилиш жараёни билан танишдик. Бундай қизиқарли экспонатлар музейда талайгина.

Ҳақиқатдан ҳам музейлар маънавият ва маърифат масканидир. Уларни нодир экспонатлар билан бойитиб бориш, бой маънавий меросимиз, тарихий обидаларимиз ҳақида ёшларимизга кўпроқ маълумот бериш эса Марғилон шаҳар тарихи музейи ходимларининг доимо диққат марказида. Ёшларимизни баркамол, маънан ва жисмонан бакувват, фидойи бўлиб улғайишларида бу каби масканлар муҳим аҳамият касб этади.

**Эркин ДОРИПОВ,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Шифобахш седана

Халқ табиотида седананинг ўрни бўлакча. Седана инсон танасидаги иммунитет тизимини қувватлантиради ва бир қанча касалликларни даволайди.



Замонавий тиббиётда седананингуруғи ва ёғидан кенг фойдаланилади. Таркибида тана учун керакли моддалар мужассам. Унинг тухуми таркибида 38% гидрокарбонат, 35% турли ёғлар, 21% альбумин (турли оксиллар) бор. Қолган 6 фоизда эса юздан ортиқ фойдали моддалар мавжуд. Маълумки, инсон танаси ёғни ишлаб чиқара олмайди. Шу боис, уни ташқаридан олишга мажбур. Бир грамм седана инсонга зарур кунлик ёғ миқдорини бера олади. Докторлар седанани истеъмол қилишнинг энг унумли йўли — уни эзиб ейиш эканлигини таъкидлашади. Уни саратон ва бошқа кўплаб касалликларга даво сифатида тавсия этилади. Седана қон босими, иситмани тушириш, табиий антибиотик каби таъсир кучига эга. Шунингдек, тана тизимининг нормал ҳолга келиши учун седанани 4-6 ой истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Танга куч-қувват берувчи седана асаб тизимини яхшилашда, ички яралар, нафас олиш йўллари ҳамда бўйрак ва жигар касалликлари, кўнгил айнаши ва қайт қилиш, бош ва тиш орғири, шамоллаш, кўз хасталиклари, юрак, ошқозон-ичкани даволашда беназир ҳисобланади.

БИЛАСИЗМИ?


Машҳур америкалик физиохимик Луис Гилберт Нютон 30 маро-табадан зиёдрок Нобель мукофоти совриндорлигига номзод бўлган, аммо бирор марта ҳам бу мукофотга лойиқ қўрилмаган.

Абхазия ўлкасининг номи абхазча «апсни» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек тилида бу сўз «қалб ўлкаси» деган маънони билдиради.

ТУРФА ОЛАМ

Кўёш учта бўлиб кўринди


ХИТОЙДА БИР ЙЎЛА УЧТА КҮЁШ ЧАРАҚЛАШИ КУЗАТИЛДИ.



Икки соат давом этган ғайриоддий ҳодиса ҳатто метеорологлар ақлини шошириб қўйган. Мамлакатнинг шимоли-шарқидаги Чифэн округи аҳолиси ҳодисани ҳаммадан кўра кўпроқ кузатиш имконига эга бўлишди. Уларнинг айтишича, эрта тонгдан чарақлаган уч юлдуз аниқ-тиниқ кўринган. Мутахассислар осмону фалақда учта кўёш кўринаётганини расман қайд этиб, уни табиатнинг навбатдаги мўъжизасига йўйишмоқда. Бироқ, бу ҳодисанинги илмий атамаси ҳам бор. “Паргелий” деб аталувчи ҳодиса кўпроқ кузда рўй беради. Айтишларича, ердан тахминан 6 метр баландиқда ҳосил бўлган булут муз кристалларига тўйинган бир пайтда шундай ҳодиса кузатилади. Яъни, ўша кристаллар таъсир соясини акс эттирганда кўёш бизнинг кўзимизга учта бўлиб кўринаркан.

Дельфинларнинг янги тури

ГИДРОБИОЛОГЛАР АВСТРАЛИЯ ЯҚИНИДА ЯНГИ ДЕЛЬФИН ТУРИГА ДУЧ КЕЛИШДИ.



Мазкур дельфинлардан олинган намуналар асосида ўтказилган текширувлар қўтилмаган натижаларни берган. Шунга кўра, олимлар табиатда учта узунтунмуқ дельфин тури борлигини аниқлашга муваффақ бўлишди. Олимларнинг таъкидлашича, ушбу кашфиёт сув жонотларининг ҳаёт тарзини ўрганиш ва муҳофаза қилишда қўл келиши мумкин. Чунки, дельфинларнинг озикланиш, ўзига жуфт танлаш борасидаги танлови бир-бирдан кескин фарқ қилади. Бу Австралиядан топилган ягона кашфиёт эмас. Бундан миллион йил аввал яшаган калтакесак ва бақа айнан шу қитъа ҳудудидан топилган.

**Зафар МУҲАММАД тайёрлади**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси партия тизимида ягона электрон ахборот алмашинуви дастурини яратиш бўйича тендер эълон қилади.

**Маълумот учун телефонлар:**  
239-45-77, 244-14-98

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девончи бош ҳисобчиси Матлуба Ҳамидовага онаси

**МУҲАББАТХОН аянинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Анъана

Хунармандлар оиласи

халқимизда кўш уясидан кўрганини қилади, деган ибратли нақл бор. Ҳақиқатан ҳам кексалар бу сўзни бежиз айтишмаган. Машраповлар хонадони мисолида бунга яна бир қарра амин бўлдик

*Шахрисабз шаҳрининг Илонхона маҳалласидаги мўъжизаси хонадонда эрта тонгдан то кечга қадар ҳаёт қайнайди. Оила бошлиғи Асқар ака фарзандларини ёшлигидан меҳнатга, хунарга ўратган. Моҳир хунарманднинг ҳовлисига қирарканмиз, асбоб-ускуналарнинг қўп ва хилма-хиллигига кўзимиз тушди. Кимдир қулоччилик дастгоҳида, яна кимдир ўша мўъжизасаларга ранг бериб жило бағишлаётди. Шарофат она қизлари Гулбархон ва Лобархонлар билан вақт тонди дегунча гилам тўқишдан, кашта тикиб элга тақдим этишдан чарчмайди. — Шу хунар орқасидан биримиз икки бўлди, - дейди биз билан суҳбатда Шарофат она.*

Оила аъзоларининг бари олий маълумотли. Улар юрти-мизнинг нуфузли олий таълим даргоҳларида сабоқ олишган, бироқ хунарга бўлган катта қизиқиш ва чексиз меҳр устун келди. — Фарзандларимни олдида макташни ёқтирмайман. Уларнинг ютуқларига гувоҳ бўлганимда кўзларимга се-винч ёшлари келади, - дейди Шарофат она. Асқар ака кўп

шоғирдларни бағрига олган уста-хунарманд. У кишининг бугунги кунда 50 нафардан ортиқ шоғирдлари эл хизматига қамарбаста. Шарофат она ҳам турмуш ўртоғидан қолишмайди. Унинг илк шоғирдлари 4 нафар фарзанди. Катта ўғли Шуҳрат ёш бўлишига қарамай айтса арзигулик ишлар қилиш-га улгурган рассомлардан. У 2000 йили Чехияда бўлиб ўтган

“ЛИДИТСЕЙ” танловида иштирок этиб олий ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирланган. 1999 ва 2007 йилларда “Ўзбекистон Ватаниманим” кўрик-танловида “Рас-сом ва табиат” йўналиши бўйича қатнашиб, фахрли ўринга сазовор бўлган. Унинг бугунги кунда 50 дан ортиқ меъморий обидалар ақс этган расм ва портретлари мухлислар қалбидан жой олган. Шуҳратни элга танитган асари “Кешнинг юқоридаги тасвири” бўлиб, Ўзбекистон Бадиий академия-си томонидан ўтказилган “Тас-вирий санъат ҳафталиги”да намоиш этилди. Мазкур асар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва совринли ўринларга лойиқ кўрилди. Шуҳрат оддий қоғоз, мойбўёқ ва кундалик турмушимизда ку-нора фойдаланиладиган қаҳва ёрдамида кўз илгамас “мўъжи-



залар”лар яратмоқда. Унинг укаси Алишер ҳам санъат ва хунарда катта ютуқларга эри-шиб келмоқда. Ҳали мактаб остонасига қадам босмасдан хунарга меҳр қўйган уста ку-лолчилик ва наққошликни пух-та эгаллаган. 2011-2012 йил-ларда у “Келажак овози” кўрик-танловида иштирок этиб, “Архитектура” йўнали-ши бўйича кўриб боскичида биринчи ўринни эгаллади. Ушанда у Кўк гумбазнинг ки-чиқина макетини худди ўзи-дек ясаб, чет эллик меҳмон-лар эътиборини ўзига қарат-ганди. Алишер ўзи устида ти-нимсиз ишлайди, ижод қила-ди. У ҳозирда Амир Темур ва Темурийлар даврида бунёд

этилган меъморий обидалар-нинг қадимий ҳолатларини то-пиш, уларнинг макетларини я-саш мақсадида маълумот тўплаяпти.

Машраповлар оиласининг хунар орқасидан эришган ютуқ-ларининг саногий йўқ, Уларнинг орзулари осмон қадар. Асқар ака яқинда мебель ишлаб чи-қаришни йўлга қўймоқчи. Шуҳ-рат эса келгусида шахсий кўр-газмасини очиш ниятида. Кичик ўғил Алишернинг ҳам ре-жалари бисёр. Шарофат она эса гилам тўқиш ва кашта ти-киш сирларини ёш авлодга ўр-ғатиш мақсадида мўъжазига-на бўлса-да цех очишга бел боғлаган.

**Асила ИБРАГИМОВА**